



## O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 14 » dekabr

№ 660

Toshkent sh.

### Давлат мулкини ижарага бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида

Давлат мулкини ижарага бериш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласин:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Давактив агентлиги) томонидан давлат мулкини ижарага бериш, ижара шартномаларининг мониторинги ва тушумларни назорат қилиш бўйича “online-ijara.uz” ахборот тизими ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуидагиларни назарда тутувчи **Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат мулкини ижарага бериш қоидалари;

давлат мулкига ижара тўлови миқдорини белгилаш тартиби;

ижара шартномасини тузиш ва ижара тўловлари ҳисоб-китоби тартиби;

балансда сақловчининг ижара муносабатларидағи иштироки ҳамда унинг хуқук ва мажбуриятлари;

ижара берилаётган давлат мулклари ҳисобини юритиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солик қўмитаси Давактив агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

“E-ijara” электрон тизимини “online-ijara.uz” ахборот тизими билан интеграция қилсин;

давлат мулкини ижарага бериш шартномалари бўйича тўловларни ундириш ва уларнинг тақсимотини “E-ijara” электрон тизими орқали амалга ошириш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин;

2024 йил 1 марта бошлаб давлат мулкини ижарага бериш шартномалари бўйича ижара тўловларини ундириш ва уларнинг тақсимоти “E-ijara” электрон тизими орқали амалга оширилишини йўлга қўйсин.

4. Бюджетдан молиялаштириладиган давлат муассасалари ва уларнинг худудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, кўшма лойиҳаларни амалга ошириш гурӯҳлари давлат мулки бўлган бинолар ва иншоотларга текин фойдаланиш хуқуки асосида жойлаштирилади, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

5. Белгилансинки, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган давлат кўчмас мулкини ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан Давактив агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги ўртасида ўзаро электрон ахборот алмашинуви орқали бепул ўтказилади.

6. Давактив агентлиги икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига давлат мулкини ижарага бериш тартибини бузганлик учун балансда сақловчиларнинг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи тегишли ўзgartириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзgartириш ва кўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “ГУ ”декабр<sup>дағи</sup>660-сон қарорига  
1-илова

## Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат мулкини ижарага бериш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши:

чет элдаги давлат мулкини ижарага беришга;

ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятларини олган ҳолда моддий маданий мерос объектлари ва уларга туташ ҳудудларни ижарага беришга;

касб-хунарга ўқитиш марказларининг таълим жараёнидан бўш бўлган ўкув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари (асбоб-ускуналари билан бирга) ҳамда бошқа бино ва иншоотларини ижарага беришга;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида тартиб ўрнатилган ёпик ҳудудларида жойлашган бино ва иншоотларини ижарага беришга;

театр-томуша корхоналарининг томоша кўрсатиш заллари ва майдонларини ижарага беришга;

давлат ташкилотларининг хизмат туарар жойларини ижарага беришга;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, умумий фойдаланишдаги ерлар (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари) давлат ташкилоти, корхонаси ва муассасаси балансида бўлмаган ерлар ва захира ерларни ижарага беришга;

ерости бойликларини ижарага беришга;

интеллектуал мулк объектларини ижарага беришга;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ижарага беришнинг ўзгача тартиби белгиланган давлат мулкларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**балансда сақловчи** – давлат мулкини ўз балансида ҳисобга олган давлат ташкилоти, шу жумладан, давлат муассасаси ва давлат унитар корхонаси;

**давлат мулки** – республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмаларнинг мулки (муниципал мулк)дан иборат бўлган оммавий мулк шунингдек, давлат ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари ҳамда хўжалик жамиятларига тасарруф этиш хукуқисиз берилган давлат мулки;

**ижарага берувчи** – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали

фойдаланиш марказининг (кейинги ўринларда – Марказ) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари;

**ижарага оловчи** – ушбу Низомда белгиланган тартиб ва шартларда давлат мулкини ижара шартномаси асосида фойдаланишга оловчи жисмоний ёки юридик шахс;

**ижтимоий соҳа объектлари** – давлат мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, профессионал ва олий таълим муассасалари, кинотеатрлар, клублар, концерт-томуша кўрсатиш муассасалари, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва кинолаштириш объектлари (давлат муассасаларининг маъмурий бинолари бундан мустасно);

**“E-auksion” электрон савдо платформаси** (кейинги ўринларда – савдо платформаси) – электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун зарур ахборотни киритиш, сақлаш ва қайта ишлиш, шунингдек, истаги бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг бундай аукцион ва танловлар жараёнига кириш ҳамда уларда қатнашиш имконини таъминлайдиган ахборот тизими.

## **2-боб. Давлат мулкини ижарага бериш юзасидан ташаббус кўрсатиш**

3. Давлат мулкини ижарага бериш жараёни ҳар қандай жисмоний ва юридик шахс (кейинги ўринларда – ташаббус кўрсатувчи) ташаббуси асосида бошланиши мумкин.

Бунда ташаббус кўрсатувчи бевосита Марказга ёки давлат мулки жойлашган ҳудуддаги ижарага берувчига:

давлат мулкининг тавсифи ва жойлашган жойини;

балансда сақловчини (бундай маълумотларга эга бўлган тақдирда) кўрсатган ҳолда таклифини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этади.

4. Марказга келиб тушган таклифлар шу куннинг ўзида кўриб чиқиши учун ижарага берувчига юборилади.

5. Ижарага берувчи таклиф асосида икки кун муддатда балансда сақловчига давлат мулкини ижарага бериш бўйича муносабат билдириш юзасидан сўров юборади.

6. Куйидаги ҳолларда балансда сақловчи томонидан давлат мулкини ижарага бериш рад этилади:

давлат мулкини ижарага бериш балансда сақловчининг ишлаб чиқариши ва/ёки молиявий кўрсаткичлари ёмонлашишига олиб келадиган бўлса, бунда тахмин қилинаётган салбий оқибатлар хавфи балансда сақловчи томонидан юқори турувчи ташкилоти ёки муассиси маъқуллаган ҳужжат билан асослантирилиши лозим;

давлат мулкидан ўзининг ёки аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланиш зарурати туғилган бўлса.

7. Ижарага беришни рад этишга ушбу Низомнинг 6-бандида келтирилган асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, балансда сақловчи сўров келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичидаги ижарага берувчига давлат мулкини ижарага бериш учун қуйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда электрон ёки ёзма шаклда ариза тақдим этади:

давлат мулкининг номи, тавсифи, жойлашган манзили;

давлат кўчмас мулки обьектиning умумий ва ижарага бериладиган майдони, қурилган йили (мавжуд бўлса);

давлат кўчмас мулки обьектиning коммуникациялар (сув, газ, электр энергияси, канализация тармоғи) билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот;

давлат кўчмас мулки обьектиning ижарага бериладиган майдонини кўрсатган ҳолда кадастр хужжати нусхаси;

давлат мулкининг 4 та фотосурати;

давлат мулкидан фойдаланиш мақсади (амалга ошириладиган фаолият тури);

давлат мулкини ижарага беришнинг бошқа шартлари (мавжуд бўлса).

8. Ижарага берувчи балансда сақловчининг давлат мулкини ижарага бериш ҳақидаги аризаси келиб тушгандан кейин икки кун муддатда давлат мулкини ижарага бериш учун савдо платформаси орқали онлайн-аукцион савдосига чиқаради.

9. Балансда сақловчининг аризасида ушбу Низомнинг 7-бандидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган бўлса, ижарага берувчи аризани икки кун муддатда маълумотларни тўлиқ кўрсатган ҳолда тақдим этиш учун балансда сақловчига қайтаради.

10. Ташаббус кўрсатувчига таклифини кўриб чиқиши натижаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида бир ҳафта муддатда хабар юборилади.

11. Балансда сақловчи томонидан давлат мулкини ижарага бериш юзасидан ташаббус Марказга ёки ижарага берувчига ушбу Низомнинг 7-бандида белгиланган маълумотларни тақдим этган ҳолда ариза бериш орқали кўрсатилади.

12. Балансда сақловчи тасарруфидаги давлат мулкини хатловдан ўтказишга ва фойдаланилмасдан бўш турган ва/ёки мақсадсиз, самарасиз фойдаланилаётган давлат мулки ҳақида ҳар чорак яқуни билан ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасигача бўлган муддатда ижарага берувчига бу мулкнинг жойлашган жойи, миқдори, таркиби ва бошқа умумий тавсифлари кўрсатилган маълумотларни тақдим этиши шарт.

13. Балансда сақловчининг юқори турувчи ташкилотлари ушбу маълумотлар Марказнинг тегишли ҳудудий бошқармасига белгиланган тартиб ва муддатларда тақдим этилиши устидан идоравий назоратни таъминлайди.

14. Бўш турган, самарасиз ва мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки ҳакида белгиланган муддатда маълумотлар тақдим этилмаслиги ёки ҳакиқий ҳолатни ифода этмайдиган маълумотлар тақдим этилганлиги айбдор шахсларга нисбатан қонунчилик хужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилишига сабаб бўлади.

15. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тегишли бўлган, уч ойдан ортиқ муддат давомида фойдаланилмасдан бўш турган давлат кўчмас мулк обьектлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ уларнинг розилигисиз ижарага бериш учун савдо платформаси орқали онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади, ижтимоий соҳа обьектлар бундан мустасно.

16. Жисмоний шахслар томонидан майдони 2 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк обьектларини ижарага бериш учун тўғридан-тўғри онлайн аукцион савдоларига чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан белгиланган тартибда ижарага берувчига онлайн-буортманома берилиши мумкин.

### **З-боб. Давлат мулкини ижарага бериш қоидалари**

17. Ижарага берувчи томонидан давлат мулки қўйидаги тартибларда ижарага берилади:

савдо платформасида ўтказилган электрон онлайн-аукцион савдолар орқали;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида давлат мулки жисмоний ва юридик шахсга ижарага берилиши белгиланганда (ижарага берувчи, балансда сақловчи ва ижарага олевчи ўртасида тузилган шартнома асосида);

конунчиликда белгиланган бошқа тартиблар асосида.

18. Давлат мулкини ижарага бериш бўйича савдо платформасида электрон онлайн-аукцион савдолари Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги ПФ-93-сон Фармонига асосан “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурига киритилган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик шартномалари доирасидаги мажбуриятлардан келиб чиқсан ҳолда, ҳокимликлар, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ёки тадбиркорлик субъектларидан мурожаат келиб тушган такдирда, худудларда бўш турган ва бир йилдан буён аукцион савдоларида сотилмасдан турган давлат мулки бўлган бино ва иншоотлари, шунингдек, касб-хунар коллежларининг фойдаланилмасдан бўш турган биноларини ижарага бериш учун ижарага берувчи танловни ташкил қиласди. Бунда талабгор ягона булганда тўғридан-тўғри шартнома асосида ижара шартномасини тузишга йул

қўйилади. Бундай шартномалар доирасида ижара ҳаки ижара ставкасининг минимал миқдори бўйича белгиланади.

Тадбиркорнинг “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурига киритилганлиги Марказ томонидан Савдо-саноат палатасининг маълумотлари базасидан электрон ахборот алмашинуви орқали аниқланади.

19. Ижарага берувчи томонидан давлат мулкини савдо платформасида ижарага бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июндаги 454-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулки обьектларини сотиш ва давлат мулкини ижарага бериш бўйича электрон савдолар ўтказиш учун материаллар тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ташкил этилади.

20. Ижарага олувчи томонидан ижтимоий соҳа обьекти таркибидаги ер участкасида қуидагиларни амалга ошириш тақиқланади:

бинолар ва иншоотлар, жумладан, ер ости иншоотларини қуриш (енгил конструкцияли иншоотлар бундан мустасно);

кўнгилочар обьектлар фаолиятини ташкил этиш (маданият обьектларининг ер участкалари бундан мустасно);

қонунчилик хужжатларида тақиқланган фаолиятни юритиш.

21. Ижарага берувчи давлат мулкини ижарага беришда:

давлат мулкини ижарага бериш жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди;

ижара шартномаси шартлари бажарилиши мониторингини амалга оширади;

юридик шахслар, жумладан, тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларга ижарага бериладиган давлат мулклари ҳақида зарур маълумотлар (ижара бериладиган давлат мулкларининг параметрлари, коммуникациялар билан таъминланганлиги, фотосурати, давлат мулкидан фойдаланиш мақсади, ижара муддати ва ижарага бериш шартлари) беради ва зарур амалий-хукукий ёрдам кўрсатади;

ижара бериладиган давлат мулклари тарғиботини амалга оширади.

22. Давлат мулки ижарасининг энг кўп муддати бир ижара шартномаси доирасида олти йил, нодавлат профессионал таълим ташкилотлари ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хусусий тиббиёт ташкилотлари учун эса ўн йил этиб белгиланади, қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Давлат мулки обьектлари ижарага бериш учун аукционга чиқарилганда, ижарага бериш муддати уч йил этиб белгиланади. Бунда балансда сақловчи томонидан давлат мулки обьектидан келгусида ўз эҳтиёжи учун фойдаланиш зарурати мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлар (ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастури, обьектдан самарали фойдаланиш бўйича тармок жадвали) тақдим этилган тақдирда, тақдим этилган хужжатларни ўрганиш

асосида ижарага берувчи ижарага бериш муддатини уч йилдан кам этиб белгилаши мумкин.

Ижарага оловчи томонидан ижара шартномаси шартлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилганда, ижара муддати яна уч йил муддатга узайтирилади, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу бандда назарда тутилган энг кўп муддатлар тугагач, давлат мулки умумий асосларда ижарага берилади.

23. Ижарага берувчи томонидан ижара шартномасининг муддати тугашидан бир ой олдин ижарага оловчига ижара шартномаси шартлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тақдирда, ижара шартномасининг муддати келгуси давр учун узайтирилмаслиги тўғрисида огоҳлантириш хати юборилади.

24. Агар ижара шартномасининг муддати тугаганидан кейин ҳам ижарага оловчи мулкдан фойдаланишни давом эттиrsa ва ижарага берувчи бунга эътиroz билдиrmаган бўлса, шартнома аввалги шартлар асосида қайтадан тузилган ҳисобланади.

Ижарага оловчи томонидан ижара шартломаси шартлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилганда, агар ижарага оловчи шартнома муддатини узайтиримаслик тўғрисида мурожаат қилмаган бўлса, ижара муддати навбатдаги муддатга узайтирилган ҳисобланади.

25. Ижарага оловчи ижара мулкини ижаранинг бутун муддати давомида ундан мақсадли фойдаланилиши, унинг яхлитлиги ва бут сақланишини ўз зиммасига олади.

26. Ижарага оловчи ижарага берилган давлат мулки (унинг бир қисми)ни ўзга шахсларга субижара (фойдаланиш)га бериши, гаровга қўйиши ёки бошқача тарзда (вақтинча) учинчи шахсга ўтказиши тақиқланади, бу каби ҳолатлар аниқланганда, ижара шартномаси ижарага берувчи томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади.

27. Ижарага берилган давлат мулки Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг ҳужжатлари, Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари асосида хусусийлаштирилган тақдирда, ижара шартномаси давлат мулки хусусийлаштирилган кундан бекор қилинади.

28. Ижарага оловчи ижара шартломаси шартларини лозим даражада бажармаган тақдирда, ижара шартломаси ижарага берувчи томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади.

29. Ижара шартномасини бекор қилиш, ўзгартириш ва муддатини узайтириш томонларининг келишувига асосан ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

30. Ижара шартномаси бекор қилинган тақдирда, ушбу ижара шартномаси бўйича ижарага берилган давлат мулки ўн кун ичидан сақловчининг розилиги талаб қилинмасдан ижарага берувчи томонидан ижарага бериш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади.

#### **4-боб. Давлат мулкига ижара тўлови микдорини белгилаш тартиби**

31. Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам микдори қўйидагича ҳисоблаб чиқилади:

$$Tc = Ec * Kz * (Kk + Kx + Ko)$$

Бунда:

**Tc** – давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун бир йилга бир кв.метр учун ижара тўловининг энг кам микдори;

**Ec** – давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун бир йилга бир кв.метр учун ижара тўловининг энг кам ставкаси;

**Kz** – худудий зоналар коэффициенти;

**Kk** – қурилиш тури бўйича коэффициент (алоҳида турган бино, қўшимча қурилган бино, бинонинг юқори қисми, чердак, болохона, ертўла, ярим ертўла);

**Kx** – туташиб кетган худуддан фойдаланиш коэффициенти;

**Ko** – тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларига чиқишида жойлашиш ва бошқалар).

Курилиш тури бўйича коэффициент (**Kk**), туташиб кетган худуддан фойдаланиш коэффициенти (**Kx**) ва тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (**Ko**)нинг йигиндиси 1 бирликдан кам бўлган тақдирда, яхлитланган ҳолда 1 бирликка тенг ҳисобланади.

32. Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг микдори Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги орқали Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилиб тақдим этган, тегишлилигича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорлари билан тасдиқланган энг кам ставкалар асосида ушбу Низомнинг 33-бандида белгиланган тартибда аниқланган ижара тўловининг энг кам микдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

33. Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўлови энг кам ставкаларининг ҳисоб-китоблари Марказ томонидан кейинги йил учун ҳар йили 1 ноябргача тайёрланади ҳамда келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги орқали Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўн иш куни мобайнида келишади ёки қайта ишлаш ва кейинчалик Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг мулоҳазалари ва таклифлари олинган санадан бошлаб ўн иш

кунидан ортиқ бўлмаган муддатда келишишга киритиш учун Давлат активларини бошқариш агентлигига қайтаради.

Ҳар йили 15 декабргача давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларининг келишилган ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тасдиқлаш учун тегишлилигича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига юборилади.

34. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда тегишли коэффициентлар белгиланган ҳолда ҳар йили 31 декабргача тасдиқланади.

35. Давлат мулкининг бошқа турлари учун ижара тўловининг энг кам миқдори:

агар ижарага топширилаётган мулқдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлмаса ёки ушбу муддатга тенг бўлса ёхуд амалда фойдаланилган муддатни аниқлаш мумкин бўлмаса – мол-мулк тикланиш қийматининг 30 фоизидан;

агар ижарага топширилаётган мулқдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлса – мол-мулк тикланиш қийматининг 20 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Самарали фойдаланиш муддати Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 306-моддасида кўрсатилган таснифлашдан келиб чиқиб белгиланади.

Балансда сақловчи ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси ижарага берилаётган давлат мулки тўғрисида тақдим этилган маълумотнинг ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

36. Давлат мулки ижара шартномасида иситиш, совитиш, электр энергияси, (совуқ ва иссиқ) сув таъминоти воситалари, ёнғин хавфсизлиги ва қўриқлаш (ҳисоблагич, дизель генератори, совитиш машинаси, жумладан, чиллер, фанкойл каби ускуналар, тортиш вентиляторлари, насослар, трансформатор ва тақсимлаш кичик станциялари, ёнғин хавфсизлиги ва қўриқлаш тизимлари, кўтариш механизmlари (шу жумладан, лифтлар ва бошқалар) зинапоя панжаралари, зинапоялар, лифт шахталари ва бошқа шахталар, шунингдек, балансда сақловчи ва ижарага олувчиларнинг ходимлари фойдаланадиган ва/ёки ўқувчилар ошхоналар ва буфетларда овқатланиши учун фойдаланадиган майдонлар ҳамда улардаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялар, механик, электр, санитария-техник асбоб-ускуналар ва бошқа асбоб-ускуналар, қурилмалардан фойдаланиш учун ижара тўлови ҳисобланмайди, ижарага олинган объектда фаолият юритмайдиган (таълим олмайдиган) шахсларга хизмат кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно.

37. Турли спорт, маданий, ўқув, тиббий ва бошқа ижтимоий тадбирлар (тўгараклар) ташкил этиш мақсадида айрим ижара объектлари (спорт заллари ва иншоотлари) балансда сақловчининг таклифига асосан кунлик иш вақти ҳисобидан келиб чиқиб, ижара тўловининг соатбай ставкаси ҳисобланган ҳолда ижарага берилиши мумкин.

38. Амал қилиш муддати навбатдаги йилга ўтадиган давлат кўчмас мулкини ижарага бериш шартномаси бўйича бўлажак йил даври учун ижара тўловининг миқдори қўшимча шартнома (келишув) билан келгуси йилга тасдиқланган ижара тўловининг энг кам миқдорларига мутаносиб тарзда ўзгартирилиб, куйидаги тартибда ҳисобланади:

$$Tc_2 = (\mathcal{E}c_2 / \mathcal{E}c_1) * (Ac / Im)$$

Бунда:

**Tc<sub>2</sub>** – келгуси йилга бир кв.метр учун ижара тўловининг миқдори;

**Эс<sub>1</sub>** – аввалги йилга бир кв.метр учун ижара тўловининг энг кам миқдори;

**Эс<sub>2</sub>** – келгуси йилга бир кв.метр учун ижара тўловининг энг кам миқдори;

**Ас** – аукцион натижалари бўйича белгиланган йиллик ижара тўлови;

**Им** – шартнома бўйича ижарага олинган майдон.

39. Давлат мулкининг бошқа турлари (асосий воситалар, кўчар мулклар, автотранспорт воситалари ва бошқалар) бўйича келгуси йил учун ижара тўлови миқдори мазкур Низомнинг 37-бандида келтирилган тартибда ҳисоблаб чиқилади.

Бунда ҳисобланган ижара тўлови миқдори электрон онлайн-аукцион савдоси натижаси бўйича белгиланган ижара тўлови миқдоридан кам бўлган тақдирда, келгуси йил учун ижара тўлови миқдори электрон онлайн-аукцион савдоси натижаси бўйича белгиланган ижара тўлови миқдорида белгиланади.

## 5-боб. Ижара шартномасини тузиш

40. Ижарага берувчи билан ижарага олувчи ўртасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган онлайн-аукцион натижаси бўйича расмийлаштирилган баённома асосида тузилган ижара шартномаси электрон шаклда (шу жумладан, электрон рақамли имзо билан) икки томонлама расмийлаштирилади. Бунда:

ижара шартномасида ижарага олувчининг аукцион савдоларида иштирок этиш учун киритган маълумотлари (юридик ёки жисмоний шахс номи, манзили, юридик манзили, СТИР рақами, ҳисобварақлари ва телефон рақамлари) автоматик тарзда кўрсатилади;

аукцион савдоларида қатнашиш учун киритилган маълумотларнинг аниқ ва ҳаққонийлиги учун жавобгарлик ижарага олувчи зиммасига юкланди.

41. Ижара шартномаси онлайн-аукцион савдо натижаси бўйича баённома расмийлаштирилгандан кейин ўн иш кунидан кечиктирмай ижарага берувчи ва ижарага оловучи томонидан имзоланиши ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт.

42. Давлат мулкини ижарага бериш бўйича ўтказилган танлов натижаси бўйича расмийлаштирилган баённомага асосан ижарага берувчи ва танлов ғолиби ёки ягона иштирокчи ўртасида объектни ижара ставкасининг минимал микдорида ижарга бериш бўйича электрон шаклда (шу жумладан, электрон рақамли имзо билан) икки томонлама расмийлаштирилади.

43. Ижара шартномасида қуидагилар кўрсатилади:

ижара берилаётган давлат мулкининг жойлашган жойи, тури, таркиби;  
ижара муддати;

ижара тўловининг микдори, уни тўлаш тартиби ва муддатлари;

ижара тўлови микдорини қайта кўриб чиқиш асоси ва тартиби;

ижара берилаётган давлат мулкининг ҳолати ва уни ижарага оловчига топшириш муддати;

шартнома муддати тугаган ёки муддатидан аввал бекор қилинганда, ижарага оловчи ижарага олинган давлат мулкини балансда сақловчига соз, бут ва фойдаланишга яроқли ҳолатда тезкор қайтариш шартлари;

ижара берилаётган давлат мулкини тиклаш ва таъмирлаш тартиби ва шартлари;

ижара берувчига унинг сўрови асосида ижарага оловчи ва балансда сақловчи тақдим этадиган ахборотлар, уларнинг ҳаққонийлиги, тақдим этиш тартиби ва муддати;

ижара шартномаси шартлари, жумладан, ижара тўловларини тўлаш муддатларининг бузилиш оқибатлари;

томонларнинг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва бошқа жавобгарликлари;

давлат мулкининг ҳар қандай яхшиланиши балансда сақловчининг ёзма розилиги билан амалга оширилиши;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа шартлар.

Коммунал хизматлар, электр энергияси, сув, газ истеъмоли ва иссиқлик таъминоти учун ижарага оловчи билан балансда сақловчи ёки хизмат кўрсатувчи ўртасида алоҳида шартнома тузилади.

44. Ижара шартномаси ижарага берувчи томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

45. Балансда сақловчининг ижара шартномасининг амал қилиш муддати даврида ижарага оловчига ижара объектидан фойдаланишига ва унда фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиши тақиқланади (форс-мажор ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

46. Кўчмас мулк бир йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилганда, ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Бунда давлат кўчмас мулкини ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ижарага берувчи ва давлат рўйхатидан ўтказишга ваколатли давлат ташкилоти ўртасида ўзаро электрон ахборот алмашинуви орқали ўтказилади.

47. Автомототранспорт воситалари савдо платформаси воситасида онлайн-аукцион орқали ижарага берилганда, ижара шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш талаб этилмайди.

## **6-боб. Балансда сақловчининг ижара муносабатларидаги иштироки ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

48. Давлат мулки савдо платформаси орқали ижарага берилганда, ижарага берувчи ижара шартномасида (ижара шартномаси тарафи бўлмасада) балансда сақловчининг қонуний манфаатларига зарар етмаслиги учун ўзи орқали амалга оширадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди. Бунда ижарага берувчи ўзининг шартномавий ҳуқуқларидан балансда сақловчи фойдасига воз кечмайди ва мажбуриятларини бажаришни зиммасидан соқит қилмайди.

49. Балансда сақловчи ижарага берилган мулкка нисбатан ижарага берувчининг хабардорлигига ўзига берилган шартномавий ҳуқуқларини амалга оширади ҳамда мажбуриятларни бажаради.

50. Томонлар шартномада белгиланган мажбуриятларни бажарилмагани оқибатида шартноманинг бошқа томонларига етказган зарарларни ихтиёрийлик асосида қоплайди. Ўзаро келишувга эришилмагандан, зарар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали қопланади.

51. Балансда сақловчи ижарага берилган давлат мулкини ижарага олувчига ижарага берувчи иштирокида шартнома имзолангандан сўнг кўпи билан беш иш куни ичида расмийлаштириб топширилишини ва ҳеч қандай тарзда тўсқинликсиз ундан фойдаланишини таъминлайди.

52. Давлат мулки ижарага олувчига муддатида топширилмаганлиги оқибатида ижарага олувчига етказилган зарар балансда сақловчи ҳисобидан қопланади.

53. Давлат мулкини ижара шартномаси тузмасдан ёки шартномада кўрсатмасдан ижарага бериш ҳолати аниқланганда, ижарага берувчи ўн иш куни ичида ушбу давлат мулки қонунчиликда белгиланган тартибда ижарага берилишини ташкил этади.

## **7-боб. Ижара тўловларининг ҳисоб-китоб тартиби**

54. Ижара тўлови бўйича ҳисоб-китоблар қўйидагиларни ўз ичига олади:  
ижара тўлови;  
ижара тўлови муддати бузилганлиги учун ҳисобланган пеня ва жарима.

55. Ижара тўлови ижарага олувчи томонидан ижара тўловининг охирги белгиланган микдори ва ижаранинг қолган муддатидан келиб чиқсан ҳолда, ҳисобланган даврлар (хар чорак ёки ойда) бўйича тенг микдордаги тўловлар билан ҳисобланади.

Ижара тўлови ижара шартномасида кўрсатилган муддатларда навбатдаги давр (чорак ёки ой) учун 100 фоиз олдиндан тўлаш шаклида амалга оширилади.

56. Ижарага олувчининг ижарага берилган давлат мулкини балансда сақловчи (юқори турувчи ташкилоти хабардорлигида берган) ёзма розилиги асосида амалга оширган тиклаш ёки мукаммал таъмирлаш сарф-харажатлари Ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хузуридаги Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси хулоса тақдим этган тақдирда, ижара тўлови маблағларидан балансда сақловчига тақсимланган маблағлар ҳисобидан камайтириш орқали қопланади, давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектлари бундан мустасно.

57. Ижарага олувчининг ижарага берилган давлат мулкини тиклаш ёки мукаммал таъмирлаш учун амалга оширилган сарф-харажатлари ижара муддати давомида тўлиқ қопланмаган тақдирда (ижара шартномасининг муддатидан олдин бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно), сарф-харажатларнинг қопланмаган қисми балансда сақловчи томонидан бошқа маблағлари ҳисобидан қопланади.

58. Давлат мулкини (унинг қисмини) белгиланган тартибда ижара шартномаси тузмасдан ёки ижара шартномасига киритмасдан ижарага бериш, шартномада ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сонини камайтириб кўрсатиш аниқланганда, ижарага берувчи қонун бузилиши ҳолати аниқланган санадан бошлаб, уч иш куни мобайнида белгиланган тартибда давлат мулкидан фойдаланганлик даври учун ижара тўловининг икки баравари микдорида ҳисобланган суммани тўлаш талаби билан тасдиқловчи хужжатларни балансда сақловчига тақдим этади. Ҳисобланган сумманинг ўн иш куни ичида ихтиёрий тўланмаганлиги суд тартибида ундирилишига асос бўлади.

Бунда давлат мулкидан фойдаланганлик даври қуйидагича белгиланади:

давлат мулки белгиланган тартибда ижара шартномаси тузмасдан фойдаланишга берилганда, жорий йил 1 январь санасидан ҳолат аниқланган санага қадар;

ижрага берувчи иштирокида аввал тузилган ижара шартномаси муддати тугаганидан сўнг давлат мулки белгиланган тартибда ижара шартномаси тузмасдан фойдаланишга берилганда, аввалги ижара шартномаси муддати тугаган санадан ҳолат аниқланган санага қадар;

давлат мулки ижара шартномасига киритилмасдан ижарага берилганда, шунингдек, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари

ва сони камайтириб кўрсатилганда, ижара шартномаси тузилган санадан ҳолат аниқланган санага қадар.

Бунда ҳисобланган давр учун тўлов ўша йилга белгиланган ижара тўловининг энг кам миқдорига мутаносиб ҳисобланади.

59. Ижара тўлови Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартағи ПҚ-101-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солик қўмитаси томонидан (кейинги ўринларда – Солик қўмитаси) “Е-ижара” электрон дастури орқали ундирилади.

60. Давлат мулкини ижарага беришдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармонига мувофиқ тақсимланади.

61. Шартномавий мажбуриятлар бузилгани учун ундирилган пеня ва жарималар ҳамда ижара шартномаси тузмасдан ва/ёки обьектни ижара шартномасига киритмасдан ижарага бериш ҳолати бўйича ҳисобланган ва ундирилган маблағ ижарага берувчи ихтиёрида қолдирилади.

Ижарага берувчи ихтиёрида қолдирилган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибларда Марказ ва худудий бошқармалар фаолиятини (жумладан, ходимларнинг иш ҳақи, мукофотлар, устамалар ва бошқа тўловларни) молиялаштиришга сарфланади.

62. Солик қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартағи ПҚ-101-сон қарорига мувофиқ ижарага берилган давлат мулки бўйича ҳар ойда ундирилган ижара тўловлари ва уларнинг тақсимланиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Марказга тақдим этади.

## **8-боб. Давлат мулкини ижарага бериш ва қайтариб олиш**

63. Ижара шартномасига мувофиқ балансда сақловчи ижарага берувчи орқали давлат мулкини (барча буюмлар ва тааллукли бўлган техник ҳужжатлари билан бирга) шартнома шартларига мувофиқ ижарага оловчига белгиланган муддат ва тартибда топшириши, ижарага оловчи эса ижара муддати тугаган ёки ижара шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган ёхуд суд қарори билан ҳакиқий эмас деб топилганда, балансда сақловчига беш кун ичида шартнома тузилган санадаги ҳолатда қайтариб топшириши шарт.

64. Ижарага берувчи давлат мулкини белгиланган муддатда қайтариб топширмагани оқибатида кўрилган моддий заарни ижарага оловчидан суд тартибида ундиришга ҳақли.

65. Давлат мулкини топшириш-қабул қилиш ва қайтариш-қабул қилиш ижарага берувчи, ижарага оловчи ва балансда сақловчиларнинг ваколатли вакиллари иштирокида уч томонлама тузилган далолатнома асосида амалга оширилади.

Далолатномада куйидагилар кўрсатилади:

далолатнома тузилган жой ва сана;

ижара шартномасининг реквизитлари (тузилган санаси, тартиб рақами);  
ижара мулкининг техник ҳолати.

Топшириш-қабул қилиш ва қайтариш-қабул қилиш далолатномалари томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади ва муҳрлари (мавжуд бўлса) билан тасдиқланади.

66. Ижарага олинган давлат мулкида камчиликлар аникланган тақдирда (конунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари), мулкни қабул қилиб оловчи томонлар бошқа томон давлат мулкини шартномада белгиланган муддатларда ижара шартномаси шартларига мувофиқ ҳолатга келтиргунгача ёки етказилган зарарни қоплагунгача уни қабул қилиб олишни ва давлат мулкини топшириш - қабул қилиш далолатномасини имзолашни рад этишга ҳақлидир.

#### **9-боб. Ижарага берилаётган мулкларни ҳисобга олиш, ҳисботини юритиш ва уни назорат қилиш**

67. Ижарага берилаётган мулкларни ҳисобга олиш ва маълумотлар базасини юритиш ижарага берувчи томонидан “online-ijara.uz” ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Бунда, давлат мулкини ижарага бериш бўйича шартнома, шунингдек шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар, қўшимчалар ва шартномани бекор қилиш фақатгина “online-ijara.uz” ахборот тизими орқали амалга оширилади ва қоғоз шаклида расмийлаштириш тақиқланади (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукумати хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

68. Ижарага берувчи ижарага шартномаси амал қиласидиган муддат мобайнида ижарага оловчи томонидан зиммасига олинган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини назорат қилиб боради.

Ушбу мақсадларда ижарага берувчи қуидагиларга ҳақли:

ижрага оловчиidan ижарага шартномасида назарда тутилган ахборотларни сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, мулкнинг физик ҳолатини ижарага оловчининг хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда кўздан кечириш;

ижрага олинган мулкдан фойдаланиш шартларини, ижарага оловчи томонидан учинчи шахслар хукукларига риоя қилинишини ўрганиш (сервитут, гаров ва шу кабилар);

ижрага оловчининг ижарага олинган давлат мулкини яхшилаш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқиш;

қонунчилик хужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

қонунчилик хужжатларида белгиланган бошқа хукукларидан ҳам фойдаланиш.

69. Ижарага берувчи ижарага берилган ва бериладиган давлат мулки тўғрисида ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар Марказга маълумот тақдим этади.

70. Марказ ижарага берувчи ва Солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган ижарага берилган ва бериладиган давлат мулки, ундирилган ижара тўловлари ва уларнинг тақсимланиши тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ҳар ойлик маълумотларни ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-санасига қадар тақдим этади.

## **10-боб. Якунловчи қоидалар**

71. Давлат мулкини ижарага беришнинг ушбу Низомда кўрсатилмаган шартлари қонунчилик хужжатларига мувофиқ белгиланади.

72. Ижарага берувчи ижара шартномаси қонунчилик хужжатларига мувофиқ бўлишини таъминлашга масъул ҳисобланади.

73. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

74. Давлат мулкини ижарага беришда вужудга келадиган низолар қонунчилик хужжатларида ва ижара шартномасида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

75. Ижарага берилган давлат мулки бўйича ижара тўлови тўлиқ, ўз вақтида ва тўғри ҳисбланиши ҳамда тўланишини назорат қилиш ижарага берувчи томонидан, балансда сақловчи фаолиятида белгиланган тартибда текшириш ўтказишда – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “14” дегабдаги 660сон қарорига  
2-илова

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги 881-сон қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ижарага берувчи – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари.”;

б) 25-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“давлат мулки ҳисобланган объектни ижарага бериш – Ҳукумат қарори билан тасдиқланадиган давлат мулкини ижарага бериш тартибини белгиловчи низомга мувофиқ;”.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 апрелдаги 243-сон қарори билан тасдиқланган Халқ таълими тизимидағи муассаса ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“халқ таълими муассаса ва ташкилотларининг кўчмас мол-мулкини ижарага беришдан балансда сақловчига тушадиган маблағлар;”.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “14” деб қарорига  
даги 660-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари  
РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2011 йил 30 ноябрдаги 315-сон қарори.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарорига 1-илованинг 66-банди.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туаш ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда саклаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2014 йил 6 марта 53-сон қарорининг 4-банди.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2014 йил 20 майдаги 126-сон қарори.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2014 йил 21 июлдаги 200-сон қарорига 8-илованинг 3-банди.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорига 1-илованинг 35-банди.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида” 2017 йил 16 июндаги 382-сон қарори.

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари

тўғрисида” 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишин такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 19 июндаги ПҚ-3068-сон ва “Хунарманд” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3393-сон қарорлари” 2018 йил 7 марта 186-сон қарорига 1-илованинг 1-банди.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат активларини сотишда ва ижарага беришда электрон савдоларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 22 марта 209-сон қарорининг 7-банди ва қарорга 2-илова.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 11 июндаги ПҚ-3782-сон қарори)” 2018 йил 20 октябрдаги 840-сон қарорига илованинг 1-банди.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 марта 265-сон қарорига 13-илованинг 2-банди.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг “Курилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2019 йил 14 июндаги 498-сон қарорига 1-илованинг 14-банди.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон қарорлари” 2019 йил 30 сентябрдаги 822-сон қарорига илованинг 10-банди.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 18 октябрдаги 881-сон қарори 25-бандининг иккинчи хатбошиси ва қарорга 2-илованинг 1-банди.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёввойи ҳолда ўсувлари доривор

ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етишириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон қарори)” 2020 йил 24 августдаги 508-сон қарорига илованинг 1-банди.

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги 677-сон қарорига 3-илованинг 3-банди.

**18.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208-сон Фармони)” 2021 йил 23 июлдаги 450-сон қарорига илованинг 2-банди.

**19.** Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорининг 5-банди ва қарорга 2-илованинг 1-банди.

**20.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳукукий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 214-банди.

**21.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолияти ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2022 йил 22 апрелдаги 209-сон қарорига илованинг 5-банди.

**22.** Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкини хусусийлаштириш ва ижарага бериш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2023 йил 10 мартағи 100-сон қарорига 1-илованинг 1-банди.

